


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОВАРЛАРНИ КИМЁВИЙ
ТАРКИБИ АСОСИДА
СИНФЛАШ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШ
МУАММОЛАРИ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ

III РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОВАРЛАРНИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ АСОСИДА
СИНФЛАШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ МУАММО-
ЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*мавзусидаги 3-республика илмий-амалий
конференцияси материаллари*

2013 йил 14-15 май

Ушбу анжуман Андижон давлат университети умумий
кимё кафедраси ташкилотчиси, таниқли кимёгар олим
Ғ.Ҳақимов таваллудининг
80 йиллигига бағишланади

**«ТАФАККУР» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ-2013**

УДК: 54(072)
ББК 24.1
А-82

Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш муаммолари ва истиқболлари (Тўплам): /Нашрга тайёрловчи И.Р. Асқаров/. – Тошкент: Tafakkur, 2013. – 368 б.

**Ўзбекистон халқ таъбири академияси академиги,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, кимё фанлари
доктори, профессор И.Р.Асқаровнинг умумий таҳрири ости-
да**

Ушбу тўпламга “Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш муаммолари ва истиқболлари” мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий конференцияси материаллари киритилган.

З.М.Бобур номидаги Андижон давлат университети илмий кенгашининг 2013 йил 28 мартда бўлиб ўтган 8-йиғилиши қарори билан чоп этишга рухсат берилган.

Мухаррир:

Филология фанлари доктори, профессор Нурмонов А.

УДК: 54(072)
ББК 24.1

ISBN 978-9943-24-039-1

© «ТАФАККУР», 2013

Анжуман ташкилий қўмитаси:

1. Мадумаров Т.А. – Андижон давлат университети ректори, раис, профессор;
2. Алиев Р.У. – АДУ илмий ишлар бўйича проректори, раис ўринбосари, профессор;
3. Собиров А.Ш. – АДУ 1-проректори, профессор;
4. Думаев С. – АДУ молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор;
5. Тўраев М. – АДУ ўқув ишлари бўйича проректори, доцент;
6. Махсумов А.Г. – Тошкент давлат педагогика университети профессори;
7. Жўракулов Ғ. – АДУ табиатшунослик ва география факултети декани, доцент;
8. Асқаров И.Р. – АДУ умумий кимё кафедраси мудири, профессор;
9. Абдуғофуров И.А. – АДУ умумий кимё кафедраси профессори;
10. Мадихонов Н. – Андижон қишлоқ хўжалик институти профессори;
11. Хамрокулов Ғ. – Тошкент кимё технология институти факултет декани, профессор;
12. Алимбоев С.А. – Тошкент кимё технология институти доценти, б.х. генерал-майори;
13. Абдуғаниев Б.Ё. – Республика марказий божхона экспертиза лабораторияси бошлиғи, кимё фанлари номзоди, б.х. полковниги;
14. Намозов А.А. – Фарғона политехника институти кафедра мудири, доцент;

15. Насриддинов Т.Ю. – АДУ ахборот-ресурс маркази бошлиғи, доцент;
16. Каримкулов Қ.М. – олий ҳарбий божхона институти “Товарларни синфлаш ва сертификатлаш” кафедраси мудири, техника фанлари доктори, б.х. полковниги;
17. Абдуллаев Ш.Ҳ. – АДУ умумий кимё кафедраси доценти;
18. Қирғизов Ш.М. – АДУ умумий кимё кафедраси доценти;
19. Исаев Ю.Т. – АДУ умумий кимё кафедраси доценти;
20. Исроилов Ш.Я. – АДУ умумий кимё кафедраси доценти;
21. Исақов Ҳ. – техника фанлари номзоди;
22. Дўмонов Б.М. – АДУ умумий кимё кафедраси катта ўқитувчиси;
23. Маҳмудов О. – бош ҳисобчи;
24. Абдуллаева Ҳ. – АДУ илмий бўлим бошлиғи.

**ТОВАРЛАРНИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ АСОСИДА
СИНФЛАШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ МАМЛАКАТИМИЗ
ИҚТИСОДИЙ ТАЯНЧИДИР**

Мадумаров Т.А.

*Андижон давлат университети ректори,
биология фанлари доктори, профессор*

Ватанимиз ўз мустақиллигини кўлга киритгач, кўплаб соҳалардаги каби таълим соҳасида ҳам давлатимиз миқёсида улкан ишларнинг амалга оширилганлиги таълим-тарбия ишларига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради. Маълумки, кимё фанлари тизимида 20 та фан яратилган бўлиб, булардан 19 таси Европа ва Америка қитъаси мамлакатларида яратилган. Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш ихтисослиги 1997 йилда Ўзбекистонда И.Р.Асқаров ва Т.Т.Рискиевлар томонидан тақлиф этилган бўлиб, бугунги кунда ушбу фан билан кўплаб ривожланган давлатларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш муаммолари ва истиқболлари мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясини учинчи маротаба университетимизда ўтказилаётганлиги бежиз эмас. Чунки университетимизнинг бир қатор етакчи олимлари ва иқтидорли талабалари олиб бораётган товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш мавзусидаги тадқиқотлар нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам кўплаб етакчи олимларнинг эътиборини тортаётганлиги қувончлидир.

“Таълим тўғрисидаги Қонун” талабларини ҳаётга тадбиқ этиш борасида З.М.Бобур номидаги Андижон давлат университетида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Университетимизда 13 та йўналиш бўйича магистрлар, 27 та йўналиш бўйича бакалаврлар тайёрланмоқда. Кўп минг сонли талабаларга 500 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар сабоқ бермоқдалар.

Университетда талабаларга чуқур билим ва ҳар томонлама тарбия бериш билан бирга уларни илмий тадқиқот ишларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилганлиги ўзининг самарали натижаларини бера бошлади.

Шу кунгача ўтказилган республика Фан олимпиадаларида кўплаб йўналишларда талабаларимиз совринли ўринларни эгаллаб келаётганлиги университетимизда иқтидорли талабалар сони кун сайин ортиб бораётганлигининг исботи десак муболаға бўлмайди.

Университетимиз олимлари к.ф.д, профессор И.Р.Асқаров, т.ф.н. доцент Н.Х.Тўхтабоев ва Ўзбекистон қаҳрамони, доцент К.Ғопировлар ҳамкорлигида 7-, 8-, 9– синфлар учун кимё дарсликлари ва кимёни ўқитиш методик қўлланмалари ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик, туркман, қирғиз ва қозоқ тилларида бир неча миллион нусхада чоп этилиб, мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида ўқитилаётганлиги ҳамда етакчи олимларимиз ф.ф.д., профессор А.Нурмонов ва ф.ф.д, профессор А.Собиров томонидан ёзилган 5-, 6-, 7– ва 9-синфлар учун она тили дарсликлари барча мактабларда ўқитилаётганлиги, тарих фанлари доктори профессор Р.Т.Шамсутдинов раҳбарлигида “Трагедия Среднеазиатского кишлака” номли уч томли, жами 80 босма табоқдаги монографиянинг “Шарқ” нашриётида рус тилида чоп этилиши кабилар фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Университетимиз олимлари И.Р.Асқаров, Ю.Т.Исаев, А.Г.Махсумов ва Ш.М.Қирғизовлар томонидан ёзилган Органик кимё дарслиги, А.С.Дариев, Т.А.Мадумаров ва Э.Й.Рўзиматовлар томонидан ёзилган Ботаника дарслиги мамлакатимиздаги барча университетларда ўқитилаётганлиги университетимизнинг илмий салоҳияти юқорилигидан нишонадир.

Умумий кимё кафедрасида к.ф.н. доцент Ш.М.Қирғизов раҳбарлигида “Кимёгар” тўғараги, к.ф.н. доцент Ш.Х.Абдуллаев раҳбарлигида “Кимёгар олимпиадачилар” тўғараги ва катта ўқитувчи Б.Дўмонов раҳбарлигида “Кимёгар услубчи” тўғарақлари фаолият кўрсатаётганлиги, бу тўғарақларга танлов асосида талабалар қабул қилишни йўлга қўйилганлиги ўзининг самарали натижаларини бермоқда.

Университетимизда таҳсил олаётган энг иқтидорли 2– 3– босқич талабаларидан иқтидорли талабалар гуруҳларини тузиб, уларга алоҳида ўқув дастурлари асосида таҳсил бериш йўлга қўйилди. Ушбу иқтидорли талабаларга мутахассислик фанлари билан биргаликда хорижий тилларни ўрганишлари учун ҳам алоҳида шароитлар яратилган. Асосий мақсадимиз бугунги иқтидорли талабалар орасидан келажакда дунёга таниладиган етук олимлар етишиб чиқиши учун замин тайёрлаб келажакда буюк Ўзбекистонга муносиб мутахассислар етиштиришидир. Барча иқтидорли талабалар ўқишда, илмий соҳаларда энг муҳими одоб-ахлоқда бошқаларга намуна бўлиш билан бирга Ватанга, халқимизга фидоий етук малакали кадрлар бўлиб етишишлари учун барча имкониятлар яратилган. Бугунги конференцияда қилинган ҳар бир маъруза чуқур муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинишига ишонамиз. Ушбу конференцияда мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидаги ҳамда Тошкент шаҳридаги бир қатор олий ўқув юртрларидан таниқли олимларнинг ўз маърузалари билан қатнашаётганлиги конференциянинг нуфузи юқорилигини тасдиқлайди. Ушбу конференцияда мамлакатимиздаги етакчи университетлар ва институтларнинг таниқли олимлари билан бир қаторда 50 га яқин юқори курс талабалари ҳам ўз маърузалари билан иштирок этаётганлиги талабаларнинг ҳам илмий тадқиқот ишларига кенг жалб қилинганлигининг исботидир.

Конференциянинг барча қатнашчиларига омадлар тилаймиз.

МЕҲРИБОН ВА АРДОҚЛИ УСТОЗ ХОТИРАСИ БАРҲАЁТ

Асқаров И.Р.

*Ўзбекистон халқ таълим академияси академиги,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, кимё фанлари
доктори, профессор*

Андижон давлат университетидида умумий кимё кафедраси илмий салоҳияти ва талабаларни ҳамда ёш ўқитувчиларни илмий тадқиқот ишларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу кафедра 1963 йилда Фарғона водийси олимлари орасида биринчи бўлиб кимё фанлари номзоди бўлган Ғуломнаби Ҳақимов раҳбарлигида ташкил этилган. Кафедранинг ташкил этилишида ўша пайтда ректор лавозимида ишлаган профессор Ғани Холматович Абдуллаев алоҳида жонбозлик кўрсатди. Кимё фанлари номзоди доцент Ғ.Ҳақимов 1971 йил 9 августга қадар умумий кимё кафедрасига раҳбарлик қилди. Ғ.Ҳақимов талабаларга ўта талабчан бўлиши билан бирга, жуда меҳрибонлиги билан ажралиб турар эди. Ҳар дарсда талабаларга уйда ўрганиб келиши учун 20 тадан реакция тенгламалари, 5 – 10 тадан масалаларни ечиб келиши ҳақида топшириқлар берар эди. Берган топшириқларини эринмасдан назорат қилар эди. Бу эса талабаларни масъулият сезиб кимё фанларини ўрганишга мажбур қиларди. Ўша даврларда ишлаган кимёгарлардан М.Мамадалиев, Ж.Турсунов, А.Мирзаабдуллаев, Қ.Ҳайдаров, К.Мирзаев, М.Абдуллаев, Т.Мирзақосимов, Ф.Шокирова каби ардоқли устозлар Ғ.Ҳақимовнинг бевосита кўмаги таъсирида кейинчалик номзодлик диссертацияларини ёқладилар. Уларнинг ҳар бирига устоз Ғ.Хошимов тегишли маслаҳатлар бериб, илмий ишлар билан шуғулланишлари учун имконият даражасида шароит яратди. Ғ.Ҳақимов талабчанлиги ва талабаларга илмий ишлар билан шуғулланиш борасида тўғри йўл-йўриқлар кўрсатиши оқибатида умумий кимё кафедрасида шундай муҳит

вужудга келди, ҳар бир ўқитувчи ва ҳар бир талаба илмий иш билан шуғулланидиган бўлди. Ўша даврларда кимё – биология факултетида ҳалол ва виждонан ишлаган, ўз соҳаларининг фидоийлари бўлган биолог олимлар И.Саттибоев, М.Ибрагимов, Ў.Мухиддинов, О.Жалолов, А.Болтабоев, Т.Каримов, С.Холиқов, С.Юнусов, Г.Дубовский, С.Аҳмадхонов, М.Супургибекова, А.Каримова, Ш.Хамзаев каби фидоий ва билимдон устозларнинг ҳам талабаларни мутахассис бўлиб шакилланишларида хизматлари катта бўлган. Юқорида кимёгар ва биолог олимларни берган билимлари ва кўрсатган йўл – йўриқлари натижасида кимё ва биология йўналишида таҳсил олган талабалар орасидан 5 нафар фан докторлари, яъни Н.Мадихонов, М.Мамадиев, М.Қодиров, И.Асқаров, И.Абдуғофуровлар, У.Обидов, Т.Насриддинов, Э.Мирзабоев, Т.Инақов, А.Ғофуров, М.Ўралов, Х.Исақов, Қ.Обидов, К.Ғопиров, С.Каримов, Ш.Қирғизов, А.Жўраев, Ю.Исаев, Н.Тўхтабоев, Д.Эгамов ва бошқа 30 дан ортиқ фан номзодлари етишиб чиқдилар. Н.Мадихонов, У.Обидов, К.Кўчқаров, М.Мамадиев, М.Қодиров, И.Асқаров, И.Абдуғофуров сингари олимлар профессор илмий унвониغا эга бўлдилар. Умумий кимё кафедрасида таҳсил олган талабалар орасидан 7 нафар профессор, 30 дан ортиқ фан номзодлари ва доцентлар, Ўзбекистон қаҳрамони доцент К.Ғопиров каби таниқли шахсларнинг етишиб чиққанлиги Ғ.Ҳакимов бошлаган ишнинг самарали натижалари дейиш мумкин. Андижон давлат университетининг умумий кимё кафедрасида қуйидаги йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда:

1. Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш.

2. Металлоценлар ва гетероциклик бирикмалар асосида биологик фаол моддалар синтез қилиш ва уларни амалиётга жорий этиш.

3. Кимё ўқитиш методикаси ва уни такомиллаштириш.

Умумий кимё кафедраси профессор-ўқитувчилари томони-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1293> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1293> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1293>